

ХИЗМАТ КУРСАТИШГА (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)

ОИД ШАРТНОМА № Ш1-1

Самарканд ш.

« 23 » Ноябрь 2022 й.

QK МСНJ “MAQSADLI YOL” кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади, ўзининг Низоми(низоми, устави, ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори номидан, Б. Маматкулов ва бир томондан ЗИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедицияси, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи М Юсупов номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Бажарувчи”, “Буюртмачи”га ЗИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедицияси балансидаги “Эски Туккиз” коллектори таркибидаги “Пирдан” коллекторини ПК0+00 дан, ПК 42+00 гача (4,2 км) тозалаш “Кенграб” коллекторининг ПК00+00 дан, ПК 12+50 гача (1,25 км) тозалаш “Сассик-1” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 10+00 гача (1.0 км) тозалаш, “Сассик-2” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 40+00 гача (4.0 км) тозалаш “Эски Туккиз” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 49+00 гача (4.9 км) тозалаш “Ўрай” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 35+00 гача (3.5 км) тозалаш “Тегирмон” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 07+00 гача (0.7 км) тозалаш “Куна Мирза” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 26+50 гача (2.65 км) тозалаш “Бугажин” коллекторини ПК00+00 дан, ПК 28+00 гача (2.8 км) тозалаш таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади. “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Контрактнинг умумий суммаси: **680 000 000 (Олти юз саксон миллион) сўмни ташкил қиласи (ККС билан).**

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

“Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан танишишни талаб қилиш. мазкур контракт имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida қонунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 7 банк иш куни ичida қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи жойлаштирилган эълон натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Бажарувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова килинган бошқа хужжатларни олгандан кейин 15 банк иш куни ичida имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Бажарувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофик ижро этилиши шарт.

3.2. Контракт шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат кўрсатиш ишлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул килинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган пудратчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнода савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равища рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлади.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, пудратчи жарима ундиришдан ташкири, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равища бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисобкитобнинг бошқа шаклларида ишлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи пудратчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлади.

Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлади.

4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- сифат, техник параметрлар ва таклиф этилаётган ишларни бажариш муддатлари пудратчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати стандартлар, техник шартлар, конун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажрганлик учун жарима етказиб пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизмат ишлари бажариш муддати ўтказиб юборилган ёки бажарилмаган ҳолларда Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня

тўлайди, бирок пеняларнинг умумий суммаси бажарилмаган пудрат ишлари қийматининг 50 фоизидан ошишига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегиши тарзда бажариш ва пудрат ишларини бажариш муддатини ўтказиб юборилиши ёки бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарларни коплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳаклиди.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судидаги кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгид бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР



7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт газначилик бўлинишларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қиласди.

8.2. Контрактнинг амал қиласи бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган хисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қиласи муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

Пудратчи:	Буортмачи
<p>Ташкилот номи: QK MCHJ “MAQSADLI YO’L ” Манзил: Самарканд ш. Массив Чупон ота СТИР коди: 306535943 Х/Р: 20208000305098481001 Банк номи: Национальный банк ВЭД Самарканد ш МФО: 0001  Рахбар (дириектор):  Маматкулов</p>	<p>Ташкилот номи: ЗИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедицияси Манзил: Самарканд ш. Гагарин кучаси 70-уй СТИР коди: 202271148 Ш/Х:100021860184017042402170001 Банк номи: Марказий банк ХККМ Тош.ш.буш офиси МФО:00014  Рахбар (дириектор):  М.Юсупов (имзо) </p>